# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 26 июль, № 152 (8495) Чоршанба Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


ЯНГИЛИКЛАР хабарлар

## ТАФСИЛОТЛАР

*Ўзбекистон — иқтидорли ёшлар мамлакати. Буни навқирон авлоднинг жаҳон миқёсидаги турли танловлар, мусобақаларда қўлга киритаётган ютуқлари исботлаб турибди.*

### Ёшларимиз салоҳиятининг халқаро эътирофи

Шу йил 16 — 25 июль кунлари Швейцарияда ўтказилган 55-халқаро кимё олимпиадасида ўзбекистонлик ўқувчиларнинг муносиб иштироки юртдошларимизда фахр ҳиссини уйғотди. Гап шундаки, 90 га яқин мамлакатлардан 350 га яқин ўғил-қизлар қатнашган билим ва салоҳият баҳсида ўзбекистонлик ёшлар иккита олтин, битта кумуш, битта бронза медални қўлга киритди.

Хусусан, вакилларимиз — Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган мактабнинг 11-синф ўқувчиси Азизбек Назаров ҳамда Учтепа туманидаги 81-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Абдуллоҳ Маҳмудов олтин медалга муносиб топилди. Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган мактабнинг 11-синф ўқувчиси Шаҳзода Ҳакимова кумуш, Тошкент шаҳридаги Президент мактабининг 10-синф ўқувчиси Соҳибжон Дилмуродов эса бронза медаль олишга эришди.

**«Халқ сўзи».**

### «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» асарининг араб ва индонез тилларидаги нусхаси тақдимоти

*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот Марказида буюк муҳаддис олимнинг "Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ" асарининг араб ва индонез тилларидаги уч жилдли нусхаси тақдимоти бўлиб ўтди.*

Унда исломшунос олимлар, марказ илмий ходимлари, Имом Бухорий стипендиясининг хорижлик совриндорлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Тадбирда мамлакатимизда диний-маърифий соҳада кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Президентимиз ташаббуси билан Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилгани буюк аждодларимиз мероси ва ҳаётини ўрганиш, асраб-авайлаш ҳамда тарғиб қилишда муҳим ўрин тутмоқда.

➔ 3

### Тошкентдан Зомин туманига илк парвоз амалга оширилди

*Пурвиқор тоғлар бағридаги Зомин туманининг "Лайлак уя" массиви ҳудудида янги аэродромни барпо этиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.*



Аэродром майдони 60 гектарни ташкил этади. Айни пайтда узунлиги 1,2 километр бўлган учиш-қўниш йўлагининг асосий пойдевор қисми қуриб, мустаҳкамланди. Ҳозирда 30 ўринга мўлжалланган йўловчи терминалини қуриш ишлари давом этмоқда. Истиқболда мазкур объект туманда туризмни ривожлантиришда асосий драйвер вазифасини бажариши кўзда тутилган.

Куни кеча ушбу аэродромга Тошкентдан илк самолёт парвози амалга оширилиб, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида тантанали кутиб олинди.

**«Халқ сўзи».**

## ЕР ВА СУВ РЕСУРСЛАРИНИ АСРАШ, ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

*Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи дастурий характерга эга бўлиб, унда барча соҳада амалга ошириладиган устувор вазифалар аниқ белгилаб берилган. Биз айни чоғда шу асосида ўзимизнинг вазифаларимизни аниқлаштириб олмоқдамиз.*

### Муносабат

Хусусан, нутқда Ер юзининг турли минтақаларида бўлаётган қуролли можаролар глобал тинчлик ва осойишталикка жиддий путур етказаётгани, бу эса савдо ва инвестиция оқимларини, товар ва хизматлар айланишини издан чиқариб, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлиги бўйича янги муаммоларни келтириб чиқараётгани алоҳида келтириб ўтилган. Негаки, ушбу муаммолар бизга ҳам бегона эмас.

Қолаверса, дунё миқёсида иқлим ўзгариши, табиий бойликлар ва сув ресурслари тобора тақчил бўлиб бораётгани ҳам барқарор ривожланишга кучли салбий таъсир кўрсатмоқда. Мана шундай оғир ва таҳликали вазиятда халқимиз манфаатларига жавоб берадиган ягона тўғри йўлни — самарали ички ва ташқи сиёсат йўлини аниқ белгилаб олиш ва уни қатъий амалга оширишимиз талаб этилади. Нутқда буларнинг ҳаммаси аниқ-тиниқ кўрсатиб берилган.

Олдимизда турган етти йилликка мўлжалланган стратегик мақсадларга эришиш учун фуқаролик жамиятини ривожлантириш, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, иқтисодиётни кучайтириш, адолатли ижтимоий сиёсат олиб бориш, маънавий-маърифий соҳаларни равнақ топтириш, глобал муаммолар ечимини топиш, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш талаб қилинади.

Шулар қаторида иқлим ўзгариши, табиий бойликлар ва сув ресурслари ҳамда экология ва атроф-муҳитни асраш, сув тақчиллигининг олдини олиш бундан буён ҳам долзарб вазифаларимиздан бўлиб қолаверади. Негаки, буни таъминламай туриб, иқтисодий барқарорликка эришиб бўлмаслиги бугун кундай равшан ҳақиқат. Шу боис ҳам давлатимиз раҳбари томонидан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва сув тақчиллигининг олдини олиш билан боғлиқ вазифаларга ҳам кенг урғу берилди.

Шулар асосида эндиликда юртимизда ер ва сув ресурсларидан тўғри ва самарали фойдаланиш, ерни хусусий мулк сифатида эътироф этиш бўйича муҳим қадамлар ташланади. Бу эса пировардида ерга нисбатан мулкий муносабатларни ривожлантиришга туртки беради. Айни чоғда Ўзбекистонда янги авлод мулкдорлар қатлами кенгайишига ва ер билан боғлиқ бозорнинг ривожланишига ҳамда ер участкаларидан фойдаланиш бўйича самарадорлик ошишига олиб келади.

➔ 2

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ҲАР ТОМОНЛАМА ПИШИҚ-ПУХТА ТАЙЁРЛАНГАН ҲУЖЖАТЛАР

### ҳаётимизга самарали татбиқ этилади



*Қонун лойиҳалари муҳокамаларида депутатларнинг фаол иштироки, қизғин баҳс-мунозарага киришиши, асосли таклифлар бериши ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳар томонлама пишиқ-пухта тайёрланиши билан бирга, ҳаётимизга самарали татбиқ этилишида муҳим ўрин тутади.*

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг кеча бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида ҳам мамлакатимиз ижтимоий, иқтисодий ҳаётига оид бир қатор қонун лойиҳалари ана шу нуқтаи назардан жиддий ва батафсил кўриб чиқилди.*

➔ 2

## ШҲТ – ОЧИҚ МУЛОҚОТ, ДЎСТОНА ҲАМКОРЛИК ВА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР МАЙДОНИ

***Шу йил 4 июль куни Ҳиндистон раислигидаги Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити виртуал форматда бўлиб ўтди. Ҳиндистон саммитга илк бор раислик қилди. Тадбирда тузилмага аъзо барча давлатлар қатнашди: Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Покистон, Тожикистон ва Ўзбекистон. Яна уч давлат — Эрон, Беларусь ва Мўғулистон саммитда кузатувчи, Туркманистон эса раис меҳмони сифатида иштирок этди. Бош шиори "Хавфсиз ШҲТ йўлида" ("Towards a SECURE SCO") деб номланган муҳим учрашув кун тартибига хавфсизлик, савдо ва иқтисодиёт, бирлик, суверенитет ва ҳудудий яхлитликни ҳурмат қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш каби масалалар киритилгани унинг қизғин ўтишига замин яратди.***

### Нуқтаи назар

Ўтган давр мобайнида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти маслаҳат механизми форматидан кенг қамровли давлатлараро бирлашмагача бўлган даражада юксалди. Ўзбекистон тузилма таъсисчиларидан бири бўлиб, унинг изчил ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган ва қўшишда давом этмоқда. 2021-2022 йилларда мамлакатимиз ушбу нуфузли ташкилотга раислик қилди.

Нисбатан қисқа давр оралиғида тузилма ривожланишнинг узоқ йўлини босиб ўтди ва глобал сиёсий ҳамда иқтисодий воқеликнинг ажралмас қисми бўлиб қолди. Бугунги кунда у дунёдаги энг йирик минтақавий ташкилот ҳисобланади. Унга аъзо мамлакатларнинг умумий ҳудуди 34 миллион квадрат километрдан ошади. Бу — Евроосиё қитъаси ҳудудининг 60 фоиздан ортиғи, деган гап.

ШҲТ мамлакатларининг умумий аҳолиси 3,2 миллиард кишини ташкил этади, бу — дунё аҳолисининг қарийб ярми. Ташкилот 8 доимий аъзо давлатни, 4 кузатувчи ва мулоқот бўйича 9 шерик давлатни ўз атрофига бирлаштирган. 21 мамлакатдан иборат "ШҲТнинг катта оиласи" уч қитъани — Осиё, Европа ва Африкани қамраб олган.

Шу билан бирга, бошқа мамлакатларнинг ушбу тузилма билан у ёки бу форматда ўзаро ҳамкорликка бўлган қизиқиши тобора ўсиб бормоқда. БМТ ва унинг ихтисослаштирилган ташкилотлари, АСЕАН, МДҲ, КХШТ, ЕОИИ, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Араб давлатлари лигаси сингари шерик ташкилотлар тармоғи изчил кенгайиб бораётгани тузилманинг халқаро обрў-эътиборини оширишга кўмаклашмоқда.

ШҲТга аъзо давлатлар иқтисодиётининг умумий ҳажми 20 триллион АҚШ долларидан зиёд, бу эса ташкилот тузилган пайтдагидан 13 баробарга кўп. Ташкилотнинг макони дунёдаги энг кенг истеъмол бозорини англатади.

➔ 3

### Мулоҳаза

## ТАРИХИМИЗ КЎЗГУСИ

### Музейлар халқимиз маънавиятини юксалтиришда муҳим ўрин тутади.

*Шу йил 14 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўз лавозимига киришишга бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи сермазмун ва кенг қамровлилиги билан кўпчиликнинг эътиборини тортди.*

*Нутқда Ўзбекистоннинг дунёдаги ўрни ва нуфузини янада юксалтириш, Ватанимиз шуҳрати ва шон-шарафини ҳамма жабҳаларда муносиб ва мардона ҳимоя қилиш борасидаги вазифалар, келгуси етти йилга мўлжалланган стратегик мақсадлар илгари сурилди.*

Президентимиз олдимизда турган давр Ўзбекистон учун сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маданий-гуманитар соҳаларда туб бурилиш ва улкан ўзгаришлар даври бўлишини таъкидлаб, кечаги натижа, кечаги қараш ва мезонлар энди тарихга айлангани, янги давр учун янги ғоя ва ташаббуслар, янги натижалар кераклигига урғу берди.

Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги борасида бундай эзгу ғоя ва ташаббусларидан илҳомланган ҳолда, Хоразмда яна бир туристик масканни бунёд этиш ҳақидаги баъзи фикрларни билдиришни жоиз деб топдик.

Халқимизнинг бой моддий-маънавий мероси, урф-одат ва анъаналари, миллий ҳунармандчилиги, тасвирий-амалий санъатини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, уларни республикамизда ва халқаро миқёсда кенг тарғиб қилиш, шунингдек, сайёҳлик, ҳунармандчилик ва маданий соҳалардаги алоқаларни такомиллаштириш борасидаги ишларнинг узвий давоми сифатида Хоразмда "Янги Ўзбекистон Ренессанс музейи"-ни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблайман.

Зотан, бу юртимизга қизиқиши баланд бўлган хорижлик сайёҳларнинг тўла-тўкис маълумотга эга бўлишида, уларни юртимизга кўпроқ жалб қилишда, қолаверса, ёшларимиз буюк алломаларимиз, мард ва жасур ота-боболаримизнинг беқиёс мероси билан ҳамнафас бўлишида, аждодларимиз амалга оширган эзгу ишларни қалбан ҳис этишида, айни чоғда вилоятимиз яна бир туристик объектга эга бўлишида ҳам муҳим ҳисобланади.

Шунингдек, ушбу музей вилоятимиз қоқ марказида қад ростлаган "Авесто", Жалолиддин Мангуберди, Ал-Хоразмий мажмуаларига ҳамоҳанг бўлиб, буюк аждодларимиз қолдирган бебаҳо илмий меросни асраб-авайлаш баробарида, ёш олимларимизга илмий янгилик ва кашфиётлар қилиш, инновациялар яратиш борасида ҳам туртки бўлади.

➔ 4

Муқобил энергия: кеча ва бугун

## ҚИЗИЛҚУМ САҲРОСИДА ЭСАЁТГАН ШАМОЛ

### ХОНАДОНЛАРИМИЗНИ ЭЛЕКТР НУРИ БЎЛИБ ЁРИТАДИ



*Ишонаверинг, бу ҳақиқат. Тўғрироғи, айни ҳақиқатга айланиб улгурган факт. Бинобарин, бугун Навоий вилоятининг Томди туманида — барқарор шамол эсиб турадиган кенгликларда Бирлашган Араб Амирликларининг "Masdar" компанияси томонидан Марказий Осиёда ягона улкан шамол электр станцияси қурилиши жадал давом этмоқда. Ва, албатта, эрта-индин Қизилқум саҳросида эсаётган шамол ярим миллион аҳоли хонадонини электр нури бўлиб ёритади.*

Янада аниқроқ тасаввур қилишингиз учун айтиш жоизки, яқинда Саудия Арабистонида Кўрфаз араб давлатлари — Марказий Осиё олий даражадаги биринчи саммитида Президентимиз Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлаб, 5 та муҳим йўналишга урғу берди. Унда муқобил энергиядан фойдаланишда Кўрфаз давлатларининг "ACWA Power", "Masdar", "Mubadala", "TACA", "Nebras Power" каби етакчи компаниялари билан умумий қуввати 15 гигаватдан ортиқ қуёш ва шамол электр станцияларини барпо этиш ҳамда энергияни сақлаш лойиҳалари бажарилаётганини таъкидлаб ўтди.

Президент нутқида айтилган Кўрфаз давлатларидан бири — Бирлашган Араб Амирликларининг "Masdar" компанияси Томди туманида амалга ошираётган шамол электр станцияси лойиҳаси ҳақида батафсил тўхталадиган бўлсак, бу гигант қурилиш лойиҳа қиймати 600 млн. доллар, қуввати 500 МВт, ишлаб чиқариш ҳажми 1,8 млрд. кВт/ соатдир. Қизилқум саҳроси бағридаги "яшил" лойиҳага Президентнинг 2020 йил 22 декабрдаги "Навоий вилоятида қуввати 500 МВт бўлган шамол электр станциясини қуриш" инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан старт берилган эди.

Энг муҳими, ушбу йирик лойиҳа доирасида жами 111 та шамол турбинаси ўрнатилиши режалаштирилган ва ҳозирга қадар 4 таси тикланди.

➔ 3

# ҲАР ТОМОНЛАМА ПИШИҚ-ПУХТА ТАЙЁРЛАНГАН ҲУЖЖАТЛАР

## ҳаётимизга самарали татбиқ этилади



1

### Метрология хизматларини кўрсатиш бозорида соғлом рақобат муҳити шаклланади

Мажлисда “Ўлчаш воситаларини қиёслашдан ўтказиш соҳасига хусусий сектор жалб қилиниши муносабати билан “Метрология тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан метрология хизматларини кўрсатиш соҳасига хусусий секторни кенг жалб этиш ҳамда эксклюзив ҳуқуқларни бекор қилиш орқали мавжуд монополияларни бартараф этиш мақсадида давлат метрология назоратини ташкил қилиш ва соҳада хизматларни кўрсатиш функциялари белгиланмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашича, киритилаётган ўзгартиришлар билан Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан метрология хизматларини кўрсатиш ваколати Ўзбекистон миллий метрология институтига берилаётгани натижасида давлат метрология назорати ва метрология хизматлари кўрсатишда вужудга келадиган манфаатлар тўқнашуви бартараф этилади.

Қонун лойиҳаси билан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳисобланмайдиган юридик шахслар (хусусий сектор)га ўлчаш воситаларини қиёслаш хизматларини кўрсатиш ҳуқуқи ҳам берилялти. Бу, ўз навбатида, тадбиркорлик субъектларининг фаолият соҳасини кенгайтиришга, метрология хизматларини кўрсатиш бозорида соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга хизмат қилади.

Узоқ давом этган савол-жавоблар, баҳс-мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

### Мулкий ҳуқуқлар ҳимояси

Мажлисда депутатлар “Ер тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси сервитут шартномаси, унинг иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, сервитутни ўзгартириш, бекор қилиш, ҳақ тўлаш, оммавий сервитутни белгилашга оид қоидалар билан тўлдириляпти.

Бундан ташқари, ижара муносабатларининг объектларига бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бошқа шахсга ўтказилиши, яъни қайта ижарага бериш тартиблари белгиланмоқда, ер участкаларини ижарага беришнинг тартиби ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг хусусий мулки бўлган ер участкасига мулк ҳуқуқини бекор қилиш ҳоллари аниқлаштирилмоқда.

Шу билан бирга, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида депутатларнинг таклиф ва тавсиялари асосида ер участкалари ижара муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари аниқ белгиланиб, ўзганинг кўчмас мулкидан чекланган тарзда фойдаланиш (сервитут) тартиби янада такомиллаштирилди. Бундан ташқари, лойиҳада жамоат эҳтиёжлари учун оммавий сервитут белгиланишининг аниқ механизмлари акс эттирилди.

Мазкур қонун лойиҳаси ижара муносабатлари янада кенгайишига, сервитут белгилаш билан боғлиқ муносабатлар ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишига, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорлари ҳуқуқлари ишончли ҳимоя этилишига хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

### Тадбиркорнинг товар брендидан ноқонуний фойдаланганларга жавобгарлик кучайтирилмоқда

Депутатлар контрафакт ва истеъмолга яроқсиз товарларнинг муомаласига чек қўйишга қаратилган — “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда моддама-модда атрофлича кўриб чиқишди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси билан инсон ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларни ишлаб чиқарганлик ва муомалага киритганлик учун жазо чоралари янада кучайтирилиши таклиф этилмоқда. Жумладан, инсон соғлиғи ва ҳаётига хавф солувчи товарларни ишлаб чиқариш ва сотганлик учун жазо чоралари кучайтирилмоқда.

Бундан ташқари, этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарганлик тўғридан-тўғри жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши белгиланмоқда. Санитария ва ветеринария қонунчилигини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жазо чораси оғирлаштириляпти.

Шунингдек, тадбиркорнинг товар брендидан ноқонуний фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариб, реализация қилганлик учун маъмурий жавобгарлик кучайтирилиб, тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган текширишлар тартиби аниқ белгилаб берилаётир.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимояси, контрафакт ва истеъмолга яроқсиз маҳсулотларнинг муомаласига чек қўйиш ҳамда ишлаб чиқарувчилар манфаатлари ва аҳоли саломатлигини таъминлашга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

### Ижро этувчи ҳокимият органларининг яхлит тизими яратилади

Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотлари доирасида мамлакатимизда натижадорликка йўналтирилган ихчам ва профессионал давлат бошқаруви тизимини яратиш бўйича чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини янгиланган талаблар ва тамойиллар асосида ташкил этиш борасида изчил ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, янги Ўзбекистоннинг маъмурий ислоҳотлари доирасида Ўзбекистон Республикаси давлат қўмиталари алоҳида вазирликларга айлантирилди ёки бошқа вазирликлар таркибига киритилди. Натижада вазирликлар, қўмиталар, агентликлар ва инспекцияларни ўзига қамраб олган республика ижро этувчи ҳокимият органлари тизими шакллантирилди.

Мажлисда депутатлар “Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг яхлит тизими шакллантирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан 7 та кодексга, 59 та қонунга ўзгартиришлар киритилмоқда. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси қонунларига “Ўзбекистон Республикаси давлат қўмиталари” деган тушунчани қонунчиликдан чиқариб ташлаш кўзда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларининг биринчи босқичи доирасида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишини таъминлашга, шунингдек, профессионал бошқарув принципларига асосланган ва натижага йўналтирилган республика ижро этувчи ҳокимият органларининг яхлит тизимини шакллантиришга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

### Конституциявий судга қандай ваколатлар берилмоқда?

Мажлисда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Янги таҳрирдаги Конституцияда ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига референдумга чиқарилаётган масалаларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида хулоса тақдим қилиш бўйича янги ваколат берилди. Шунингдек, Конституциявий суднинг судьялари қайта сайланиш ҳуқуқисиз ўн йиллик муддатга сайланиши белгиланди.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси билан “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий Қонун янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлаштирилмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг сўзсиз ва тўлиқ амалга оширилишини, унда мустаҳкамланган устувор принциплар янги Ўзбекистон улуғвор ғоясига ҳамоҳанг тарзда рўёбга чиқарилишини ҳамда давлат органларининг фаолияти янгича конституциявий-ҳуқуқий шароитларда йўлга қўйилишини таъминлашга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

### Тежамкор технологиялар самараси

Депутатлар сув хўжалиги вазири Ш. Ҳамроевнинг “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепциясини амалга ошириш юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида”ги ахборотини эшитди.

Сув хўжалигини ривожлантириш бўйича устувор йўналишлар ва комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган концепция доирасида соҳанинг норматив-ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди. Концепция доирасида бажарилган ишлар натижасида соҳада сув ресурсларини самарали бошқариш, сувни тежайдиган ва рақамли технологияларни жорий қилиш, ирригация тадбирларини амалга ошириш, ерларни лазерли текислаш, агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказиш ҳисобидан жами 3,1 млрд. куб. метр сув тежалган.

Шунингдек, соҳага рақамли технологияларни жорий этиш бўйича ҳам кенг қамровли ишлар бажарилган. Жумладан, концепция доирасида Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA)нинг грант маблағлари ҳисобидан 61 та сув хўжалиги объектида сув ресурсларини онлайн мониторинг қилиш имконини берувчи “ақлли сув” қурилмалари, 15 та кичик метеостанция ҳамда жойлардаги вазиятни визуал назорат қилиш имконини берувчи кузатув камералари ўрнатилган.

Шу билан бирга, сув ресурсларини мониторинг қилиш маркази ташкил этилган. 1 446 та насос станциясининг сув миқдорини онлайн мониторинг қилиш қурилмалари ўрнатилган. Натижада насос станцияларида назорат ва ҳисоб-китобни онлайн тарзда юритиш, сувни оператив бошқариш, сувдан қатъий лимит асосида фойдаланиб, ушбу ресурс беҳуда сарфининг олдини олиш ҳамда электр энергия сарфини онлайн мониторингдан ўтказиш имкони яратилмоқда.

Мажлисда таъкидлаб ўтилганидек, 2018 йилгача республика бўйича сувни тежайдиган технологиялар жорий қилинган майдонлар 28 минг гектарни ташкил этган бўлса, бугунга келиб бу кўрсаткич 1 млн. гектарга етган. Жумладан, концепция доирасида 2022 йилда республика бўйича жами 398,4 минг гектарда томчилатиб, 31,0 минг гектарда ёмғирлатиб, 16,3 минг гектарда дискрет суғориш технологиялари жорий қилинди ҳамда 451,9 минг гектар майдонлар лазер ускунаси ёрдамида текисланган.

Муҳокамаларга бой бўлган мажлисда депутатлар томонидан соҳада амалга оширилган ишлар билан бир қаторда ҳал этилиши лозим бўлган айрим камчиликлар ҳам мавжудлиги айтиб ўтилди. Жумладан, концепцияда соҳага давлат-хусусий шериклик механизми ва сув ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқариш тамойилларини жорий қилиш бўйича белгиланган вазифаларнинг ижросига етарлича эътибор қаратилмаяпти.

2023 йилда мелиорация объектларини таъмирлаш-тиклаш лойиҳалари учун ажратилган 421,6 млрд. сўм маблағлардан 62,6 млрд. сўм ёки йиллик лимитнинг бор-йўғи 15 фоизи ўзлаштирилган. Бу эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда сув билан боғлиқ муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётгани қайд этилди.

Соҳада томчилатиб суғориш технологияларининг айримлари бир мавсум давомида фойдаланилмоқда, баъзи ҳудудларда тупроқ таркиби илмий жиҳатдан ўрганилмасдан томчилатиб суғориш технологиясига ўтилгани эса суғориш технологияларининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатган. Шунингдек, сув хўжалиги соҳасига илмий тадқиқотлардан кенг фойдаланиш ва инновацион ишланмаларни жорий қилиш борасида ҳам ишлар қониқарли даражада эмаслигини депутатлар танқидий баҳолашди.

Савол-жавоб ва муҳокамаларга бой бўлган парламент эшитувида депутатлар сув хўжалигини ривожлантириш, соҳада сув тежовчи технологияларни қўллаш ва хизмат кўрсатиш, замонавий бошқариш тамойилларини жорий қилишга қаратилган бир қатор таклиф ва тавсиялар беришди.

### Парламент сўровига келган жавоб муҳокамаси

Депутатлар аҳолининг кенг қатламлари, шу жумладан, жисмоний имконияти чекланган ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар ўртасида спорт ва жисмоний тарбия бўйича оммавий тадбирларни ташкил этиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазири А. Икромовнинг Қонунчилик палатасининг парламент сўровига жавобини муҳокама қилди.

Тақдим этилган жавобда таъкидланганидек, жорий йилнинг ўтган даврида жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланадиган аҳолининг улуши 26,4 фоиз, бунда ўқувчи ва талабаларнинг улуши 23 фоизни ташкил этди. Аҳолининг жисмоний тайёргарлиги ва саломатлиги даражасини ошириш бўйича кўрсаткич 16 фоизга етди.

Шунингдек, олий таълим муассасалари талабалари ўртасида 94 бор “Талабалар спорт ўйинлари” ўтказилиб, уларда 104 минг нафардан ортиқ талабаларнинг иштироки таъминланди. Аҳоли ўртасида жами 28 минг маротаба “Ёшлар ҳафталиги”, “Хотин-қизлар ҳафталиги”, “Маҳалла ва нуронийлар ҳафталиги”, “Таълим муассасалари ҳафталиги” тадбирлари уюштирилиб, уларда 9 млн. нафардан зиёд аҳоли вакиллари ва ёшлар қатнашди.

Бундан ташқари, “Армия ўйинлари” дастурига киритилган спорт турлари бўйича 23 та спорт мусобақаси ташкил этилди ва уларда 3,1 минг нафар иштирокчи қамраб олинди.

Парламент сўровига келган жавобда келтирилганидек, ҳудудларда ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёшлар ўртасида “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида икки мавсумдан иборат оммавий спорт мусобақаларини ўтказиш тизими йўлга қўйилди.

Хусусан, жорий йилнинг 4 — 11 апрель кунлари бўлиб ўтган 1-мавсум оммавий спорт мусобақаларининг биринчи (кўчалараро — маҳалла) босқичида жами 3,3 млн. (шундан, 1,3 млн. қизлар) нафар йигит-қиз қамраб олинди. Мазкур мусобақалар тасарруфида адаптив спорт турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, “Беш ташаббус паралимпиадаси” доирасида жорий йилдан бошлаб 16 — 30 ёшлилар ўртасида спортнинг пара енгил атлетика, пара шашка, пара шахмат, пара стол тенниси ва пара киберспорт турлари бўйича оммавий мусобақалар ўтказилди.

Илк бор туман босқичидан бошлаб (туман — ҳудуд — республика) уч босқичда ўтказилган параспорт турларида 13 минг нафар (шундан, 5 минги қизлар) ёш иштирок этди.

Мажлисда депутатлар парламент сўровига жавобда кўтарилган масалалар бўйича атрофлича маълумотлар тақдим қилинганини эътироф этдилар ва вазирнинг жавоби маълумот учун қабул қилинди.

### Ёшлар масалалари бўйича комиссиянинг ахбороти эшитилди

Мажлисда Ёшлар масалалари бўйича комиссиянинг 2023 йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Ҳисобот даврида комиссия томонидан ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш борасида кенг кўламли ишлар қилинган. Масалан, комиссия томонидан Қонунчилик палатасида кўриб чиқилган ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини янада мустаҳкамлашга қаратилган 14 та қонун лойиҳаси юзасидан 40 дан зиёд асослантирилган таклифлар тайёрланган.

Шунингдек, конституциявий ислоҳотларнинг моҳияти ва аҳамиятини ёшларга етказиш юзасидан туркум давра суҳбатлари, учрашувлар ҳам ташкил этилди. Уларда ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари атрофлича муҳокама қилиниб, қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ўтган даврда комиссия томонидан халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш, хусусан, хорижий мамлакатлар ёшлари билан ўзаро ҳамкорлик масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, комиссия аъзолари МДҲ Ёшлар парламентлараро ассамблеясининг йиғилишида, Пусан шаҳрида Осиё сиёсий партиялари халқаро конференцияси (ICAPP) Ишбилармонлар кенгашининг “Иқлим инқирози даврида Осиё бизнеси имкониятлари ва муаммолари” мавзуидаги биринчи йиғилишида, Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган “Ёшлар парламентаризми — ёшлар ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини шакллантириш мактаби” мавзуидаги халқаро форумда маърузалар билан иштирок этган.

Ёшлар масалалари бўйича комиссия раиси М. Валиевнинг таъкидлашича, комиссиянинг фаолияти очиқлик ва ошкораликка асосланади. Шунга кўра қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти, ўтказилган назорат-таҳлил тадбирларининг натижалари, ташкил этилган семинар ва давра суҳбатлари тўғрисида ОАВда комиссия аъзолари томонидан доимий равишда чиқишлар қилиб келинмоқда.

Мажлисда комиссия томонидан амалга оширилган ишлар эътироф этилиб, сиёсий партиялар фракциялари ва қўмиталар билан ҳамкорликни янада ривожлантириш, назорат-таҳлил фаолиятини самарали йўлга қўйиш бўйича бир қатор таклиф ва тавсиялар берилди.

Савол-жавобларга бой бўлган мажлисда Ёшлар масалалари бўйича комиссиянинг ахбороти маълумот учун қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ЕР ВА СУВ РЕСУРСЛАРИНИ АСРАШ, ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

1

Айтиш жоизки, Ўзбекистонда сўнгги йилларда бу борада катта ишлар қилинди ва қатор ютуқлар қўлга киритилди, жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми икки баробар ортди. Энг муҳими, юртимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш жамият ижтимоий-иқтисодий ҳолатини барқарор ривожлантириш, фуқароларнинг соғлиғи ва ҳаётини яхшилаш, мамлакат мустақиллигини барқарор сақлашнинг асосий йўналишларидан бирига айланди.

Бу йўналишда юртимизда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича стратегик жиҳатдан мақсадли ва изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Эндиликда ушбу йўналишдаги ишларимизни янада жадаллаштиришни даврнинг ўзи тақозо этаётир. Президент таъбири билан айтганда, барчамиз биргаликда келажакка ишонч билан интилиб, бутун диққат-эътиборимизни олдимиздаги вазифаларни ҳал қилишга қаратишимиз, халқимиз кутаётган, даврнинг ўзи талаб этаётган янги ғоя ва ташаббусларни илгари суришимиз лозим.

Шундай экан, барчамиз бор куч ва билимимизни ишга солган ҳолда ҳаракат қилсак, ушбу вазифаларни ҳам муваффақият билан адо этамиз.

**Баҳодир ТОЖИЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси.**

# МАҲАЛЛАДА АҲОЛИ БАНДЛИГИ МАСАЛАСИ ҚАНДАЙ ЕЧИЛМОҚДА?

*Тошлоқ туманидаги “Конизар” маҳалла фуқаролар йиғинида вақтинча иш билан банд бўлмаганларни тадбиркорликка йўналтириш ва янги иш ўринлари яратиш борасида тизимли ишлар йўлга қўйилган. Бу борада маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси томонидан аҳоли ўртасида мунтазам равишда ўрганишлар олиб борилаётгани ўз самарасини бермоқда.*

**Ғамхўрлик**

Маҳалла ҳоким ёрдамчиси Шерзод Раҳмоновнинг қайд этишича, биргина жорий йилнинг ўтган даврида 15 нафар маҳалла аҳлига ишлаб чиқариш, тикувчилик ва хизмат кўрсатиш фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида имтиёзли банк кредити олиш учун тавсиялар берилди. Ҳозирги кунга қадар имтиёзли кредитлар тўлиқ ажратилиб, янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди.

— Маҳаллада аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини оширишга қаратилган кўламли ишлар доирасида ижтимоий дафтарларга киритилган оилалар билан ишлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Шерзод Раҳмонов. — Мисол учун, бу борадаги саъй-ҳаракатлар давомида “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари”га киритилган 18 нафар кам таъминланган фуқарога деҳқончилик қилиш учун 20 сотихдан ер ажратиб берилди.

Хусусан, маҳаллада истиқомат қилаётган Авазбек Каримов ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, ишлаб чиқариш цехи ташкил этиш истаги борлигини билдирганди. Унга ҳоким ёрдамчиси кўмаги билан банкдан 30 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Натижада у ўз хонадонида оилавий тадбиркорликни бошлаб, пайпоқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйди ва маҳалладаги 5 нафар хотин-қизни иш билан таъминлади.

Тадбиркор Ботиржон Собиров фаолиятини кенгайтириши учун ажратилган кредит эвазига ишлаб чиқарилаётган полиэтилен маҳсулотларининг тури янада ортди. Бунинг учун Хитойдан зарур дастгоҳлар олиб келиб ўрнатилди.

**Ботир МАДИЁРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**




# «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» асарининг араб ва индонез тилларидаги нусхаси тақдимоти

1 — Кейинги йилларда улуғ муҳаддис бобомиз илмий меросини ўрганиш ва кенг тарғиб этишда кўплаб давлатлар илмий муассасалари билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйдик, — дейди Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори Шовосил Зиёдов. — Ислом оламида ғоятда қадрли манба ҳисобланувчи "Саҳиҳул Бухорий" асарининг араб ва индонез тилларидаги янги нашрининг марказимизга тақдим қилиниши бу борада муҳим ютуқларимиздан биридир.

Дарҳақиқат, ишончли ҳадислар тўпламининг турли тилларга таржима қилинаётгани дунё халқларининг буюк аждодимизга ҳурмат-эҳтироми нечоғли юксак эканидан далолат беради.

Таъкидланганидек, мусулмон дунёсида Қуръони каримдан кейинги муқаддас манба сифатида эътироф этилган "Саҳиҳул Бухорий" асарининг янги нашри ҳадисларнинг нотўғри талқин этилиши, бевосита Имом Бухорийга нисбатан илмсизлик ва нохолислик билан билдирилаётган нотўғри фикрларга қарши муҳим ва асосли илмий қўлланма бўлади.

Тантанали тадбирда асарнинг араб ва индонез тилларидаги уч жилдли нусхаси БМТ Бош котибининг ўринбосари, Осиё ва Тинч океани бўйича иқтисодий ва ижтимоий комиссияси ижрочи котиби Армида Алисжабана хоним томонидан марказ жамоасига топширилди.

Айтиш жоизки, олимлар юрти бўлган Ўзбекистондан ўрта асрларда 3 минг нафардан зиёд муҳаддислар етишиб чиққан. Ҳадис илми тамаддунига ўзининг маънавий мероси билан беқиёс ҳисса қўшган алломалар Имом Бухорий, Имом Доримий, Имом Термизий, Имом Кеший ва бошқа кўплаб муҳаддисларни бунга ёрқин мисол сифатида келтириш мумкин.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизда Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари ҳамда Ҳадис илми мактаби фаолияти йўлга қўйилгани ҳадис илми тарихи, буюк муҳаддислар ҳаёти ҳамда илмий меросини кенг ўрганиш, тарғиб қилишда катта аҳамият касб этмоқда.

Имом Бухорий ижодий фаолияти давомида тарих, ҳадис, ақида, тафсир ва фиқҳ йўналишларида йигирма тўртта асар ёзган. Уларнинг орасида энг машҳур асари "Саҳиҳул Бухорий" номи билан ҳам машҳур бўлган "Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ"дир.

Тадбир иштирокчилари мажмуада ташкил этилган музей ва ундаги экспонатлар билан яқиндан танишиб, марказ фаолиятини янада такомиллаштириш, илмий-амалий ҳамкорлик кўламини кенгайтириш бўйича зарурий тавсиялар беришди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчилари Ҳайриддин Султонов ва Музаффар Комилов иштирок этди.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»).**

# СИРДАРЁ ҚОВУНЛАРИ — ОКЕАНОРТИ БОЗОРИДА



*Қовун етиштириш борасида кўп асрлик тажрибаларни қўллаш билан бирга, замонавий агротехникалардан ҳам кенг фойдаланилаётгани боис дунё бозорида Сирдарё вилояти деҳқонлари етиштирган полиз маҳсулотларига талаб йил сайин ортиб бормоқда.*

## Экспорт

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида 3437 тонна қовун-тарвуз экспорт қилинди ва бу кўрсаткич 2022 йилнинг шу давридагига нисбатан бир неча баробарга ортди.

— Қувонарлиси, бундан уч-тўрт йил олдин Сирдарё вилояти бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ўндан ортиқ давлатларга етказиб берилган бўлса, эндиликда экспорт географияси янада кенгайди, — дейди Сирдарё вилояти Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармасининг чегара маскани инспектори Мустақим Исмоилов. — Айни кунларда эса мазаси тилни ёрадиган ҳар хил навдаги полиз маҳсулотлари АҚШ, Буюк Британия каби 20 дан зиёд давлатларга экспорт қилинмоқда.

Айтиш жоиз, экспорт жараёнида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг фитосанитар тозалигига Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги инспекторлари томонидан жиддий эътибор қаратиб келинаётгани ҳам юртимизда етиштирилаётган неъматларнинг дунё бозоридаги ўрни мустаҳкам ва харидоргир бўлишида муҳим аҳамият касб этаётир.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).**

# ШҲТ – ОЧИҚ МУЛОҚОТ, ДЎСТОНА ҲАМКОРЛИК ВА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР МАЙДОНИ

1 Бугунги кунда бирлашма аъзоларининг умумий ялпи ички маҳсулоти умумжаҳон кўрсаткичларининг қарийб тўртдан бир қисмига етди. ШҲТ маконидаги давлатлар катта иқтисодий кўрсаткичларни намоён этаётганини ҳисобга олсак, 2030 йилга бориб бу рақам жаҳон ялпи ички маҳсулотининг қарийб 35 — 40 фоизигача ортиши мумкин.

ШҲТ ўзининг амалий татбиқини кутаётган улкан транспорт ва транзит салоҳиятига эга. Глобал таъминот занжирларини диверсификация қилиш шароитида Евроосиёда Шарқ-Ғарб ва Шимол-Жануб йўналишлари бўйича янги халқаро темир йўл ва автомобиль йўлакларини яратиш моҳиятан стратегик аҳамият касб этмоқда.

Ташкилот цивилизациялараро мулоқот ва маданий-гуманитар ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун истиқболли платформа ҳисобланади. Ушбу йўналишнинг долзарблиги, дунёда ишончсизлик ва антагонистик кайфиятлар кучайиб бораётган шароитда, айниқса, ортаётир. Ҳар бири бой тарих ҳамда ноёб маданий меросга эга бўлган мамлакатларнинг бир ташкилот фаолиятида иштирок этиши ва жипслашиши Евроосиёда ўзаро тушуниш ва ҳамкорлик руҳини мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда.

ШҲТнинг пайдо бўлиши, биринчи навбатда, XX аср охирида кўп қутбли тизим барҳам топганидан сўнг Марказий Осиёда янги вазиятнинг вужудга келиши, дунёнинг мураккаб муаммолари ва олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларига қарши туриш билан боғлиқ эди. Ўшандай мураккаб даврда Марказий Осиёдаги ёш мустақил давлатларнинг кўп қиррали янги таҳдид ва муаммоларни бартараф этишида институциявий миллийлашган минтақавий ҳамкорликка эҳтиёжи объектив ҳақиқат эди.

Шу маънода, тузилманинг пайдо бўлиши Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг бевосита натижаси бўлди. Шунинг учун тузилманинг ташкил этилиши ва фаолиятидаги энг муҳим йўналиш, аввало, унинг Марказий Осиёда барқарорликни мустаҳкамлаш ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган ҳиссасидир, деб ҳисоблаш мумкин.



Бугунги кунда ШҲТнинг минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлашдаги салмоқли ҳиссаси кундек равшан бўлиб турибди. Унинг биринчи галда терроризм, экстремизм ва сепаратизм таҳдидларига қарши кураш соҳасида эришган муваффақиятлари аёндир. Айнан ташкилот доирасида дунёда биринчи марта "терроризм" тушунчасини аниқлаб берган кўп томонлама ҳужжат — ШҲТнинг терроризм, экстремизм ва сепаратизм билан курашиш тўғрисидаги Конвенцияси 2001 йил 15 июнда ишлаб чиқилган эди. Қароргоҳи Тошкентда жойлашган ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тизими бу йўналишда изчил иш олиб бораётир. Унинг мувофиқлаштирувида "уч ёвуз куч"нинг сабаблари, манбалари ва кўринишларига барҳам бериш бўйича биргаликдаги самарали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хавфсизлик кенгашлари котиблари, мудофаа, ички ишлар вазирлари ва аъзо давлатларнинг гиёҳвандликка қарши кураш идоралари раҳбарлари йўналишида хавфсизликнинг кенг қамровли масалаларига алоқадор кўп қиррали мунтазам мулоқот қўллаб-қувватланмоқда. Ўзбекистон раислиги доирасида 2022 йилда бу тузилмалар раҳбарларининг ҳам мамлакатимизда икки ва кўп томонлама учрашувлари ўтказилди.

Шубҳасиз, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг минтақада барқарорликни таъминлашга қўшган ҳиссаси бу билан чекланиб қолмайди. Тузилманинг амалий фаолиятида хавфсизлик ва иқтисодий ривожланиш таъминланиши масалаларига ўзаро боғлиқликнинг асосий таркибий қисмлари сифатида қаралади. Минтақада барқарорлик ва изчил тараққиёт сақлаб қолинишида ШҲТнинг муҳим роли ҳам айнан ана шундадир.

2017 йилдан буён кузатилаётган янги Марказий Осиё жараёнининг ШҲТ томонидан қўллаб-қувватланиши, шубҳасиз, минтақанинг ўзи учун ҳам, ташкилот ҳудудининг барқарорлик, ўзаро манфаатли тараққиёт ва самарали ҳамкорлик маконига айланиши учун ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан қараганда, халқаро сиёсий сўзлашувда нисбатан яқинда пайдо бўлган "Марказий Осиё руҳи" атамаси Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг доктринал асосини, яъни "Шанхай руҳи"ни мустаҳкамлайди ва бойитади, деб ҳисоблаш учун барча асослар мавжуд.

Минтақадаги ва дунёдаги тез ўзгарувчан вазият билан бирга ташкилотга аъзоликни кенгайтириш, умуман олганда, ШҲТ кун тартибига муайян тузатишлар киритиши ўз-ўзидан аёндир. Бу — объектив жараён, аммо ташкилотнинг минтақамиздаги ролини асло камайтирмайди. Ҳақиқатда эса ШҲТнинг "масъулият зонаси"га Жанубий Осиёдаги энг йирик давлатлар — Ҳиндистон ва Покистоннинг қўшилиши, шунингдек, Эроннинг тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб киргани Марказий Осиё мамлакатларининг ташкилот орқали Яқин Шарққа чиқишидек янги истиқболли бозорлар очмоқда. У улкан Евроосиё маконида кўп тизимли алоқаларни ривожлантиришда ўзаро манфаатли ташаббусларни биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун кучли, кўп томонлама платформага — транспорт, инфратузилмалар, энергетикадан то "яшил" иқтисодиёт ва рақамли трансформациягача бўлган қирраларни қамраб олган майдонга айланмоқда.

Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари тизимида ШҲТ очиқ, прагматик ва кенг кўламли манфаатли ҳамкорлик йўлини амалга ошириш нуқтаи назаридан кўп томонлама платформа сифатида ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бинобарин, мамлакатимизнинг ташкилотга нисбатан замонавий стратегияси ташаббускорлик, конструктивлик, прагматизм ва ҳамкорликка очиқлик каби асосий тамойилларга асосланади.

Давлатимиз раҳбари 2017 — 2022 йилларда ўтказилган ШҲТ саммитларида 50 дан зиёд долзарб ташаббусларни илгари сурди. Энг муҳими, ушбу таклифлар ШҲТнинг "йўл хариталари", меъёрий-ҳуқуқий, дастурий ва концептуал ҳужжатлари доирасида, шунингдек, кўп томонлама ҳамкорликнинг янги механизмлари шаклида изчил амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Президенти томонидан ташкилотнинг 2020 йилги саммитида билдирилган "Ҳар биримиз кучли бўлсаккина ШҲТ кучли бўлади" шиори республиканинг ушбу тузилмага хос "Шанхай руҳи"га мувофиқ конструктив ёндашувининг моҳиятини тўлиқ очиб беради.

Давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистон раислиги даврида илгари сурилган ташаббусларни амалга ошириш мақсадида 14 та янги концептуал ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилди. Улар ШҲТ доирасидаги ҳамкорлик соҳаларини мазмунан бойитиш ва институционал кенгайтиришга қаратилган. Транспорт боғлиқлигини ривожлантириш бўйича ШҲТ стратегияси, Минтақалараро савдони ривожлантириш режаси, Инфратузилмани ривожлантириш дастури, "ШҲТнинг эзгу ният элчиси" институтини ташкил этиш каби тузилма амалиёти учун янги ҳужжатлар лойиҳаларини алоҳида таъкидлаш зарур.

Ўз навбатида, тузилма доирасида ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш бўйича Тошкент томонидан фаол илгари сурилган ташаббуслар ШҲТнинг кенг ҳудудида улкан транспорт ва транзит салоҳиятидан самарали фойдаланишга қаратилган. Ушбу саъй-ҳаракатлар орқали Ўзбекистон ўз ҳамкорлари билан биргаликда ШҲТ имкониятларидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой, Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар, Ланчжоу — Қашқар — Иркештам — Ўш — Андижон — Тошкент — Мари ва ҳозирги геоиқтисодий шароитда ўзига хос стратегик аҳамиятга эга бўлган бошқа транспорт йўлакларини амалиётга татбиқ этишни жадаллаштириш ниятида. Бу лойиҳаларнинг рўёби Евроосиё минтақасидаги давлатларнинг ўз маҳсулотларини Хитойдан тортиб, Европагача бўлган улкан ҳудудда арзон ва қулай тартибда ташиш имкониятларини кенгайтиради.

Ўзбекистоннинг ШҲТ маконидаги ўзаро боғлиқлик стратегияси Афғонистоннинг бутун Евроосиё учун ноёб иқтисодий ва транзит ролини тиклашга ҳам хизмат қилади. Афғонистон минтақада узоқ муддатли хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг асосий омили эканлигига шубҳа йўқ.

Ташкилотнинг бирон-бир давлати Евроосиё марказида беқарорлик ўчоғининг янада ривожланишидан ва Афғонистон ҳудудидан қўшни давлатлар хавфсизлигига келиб чиқадиган таҳдиддан манфаатдор эмас. Бугунги воқелик ШҲТдан янада аниқ ҳаракатларни амалга оширишни ва Афғонистонни минтақавий ташаббусларга, жумладан, инфратузилма лойиҳаларига жалб этишни талаб қилади.

Бугун дунёда тузилма фаолиятида тўлақонли аъзо, кузатувчи ва мулоқот бўйича шериклар мақомида иштирок этиш ниятида бўлган давлатлар сони ортиб бормоқда. Саудия Арабистони, Қатар, БАА, Миср, Баҳрайн каби ўлкалар шулар жумласидан. Бу нимадан далолат беради? Аввало, ташкилотнинг обрў-эътибори, дунё геосиёсий майдонидаги ўрни ошиб бораётганини кўрсатади. Шу билан бирга, тузилманинг учинчи давлатларга қарши қаратилмагани, очиқлиги, қарорларнинг консенсус асосида қабул қилиниши каби тамойилларга содиқлигининг эътирофи ҳисобланади.

**Ғофуржон МУҲАМЕДОВ,**
**Чирчиқ давлат педагогика университети ректори,**
**Ўзбекистон Республикаси фан арбоби.**



# ҚИЗИЛҚУМ САҲРОСИДА ЭСАЁТГАН ШАМОЛ

## ХОНАДОНЛАРИМИЗНИ ЭЛЕКТР НУРИ БЎЛИБ ЁРИТАДИ

1 Шамол электр станциясининг илк қувватлари 2023 йил якунида ишга туширилади ва у Марказий Осиёдаги энг йирик объект бўлади. У тўлиқ ишга туширилгач, йилига 1 млрд. 800 млн. кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Бунинг натижасида йилига 540 млн. кубометр табиий газ тежалишига эришилади ҳамда атмосферага 720 минг тонна зарарли газлар чиқишининг олди олинади.

"Masdar" мегалойиҳани ҳудуддаги шамол потенциалини ўрганишдан бошлади. Таҳлиллар учун Томди туманида 4 та метеорологик устун ўрнатилди. Бир йил давомида тўпланган манбалар ҳудудда салоҳият катта эканини кўрсатди. "Masdar" компанияси ўз йўналишида энг йирик лойиҳага айланадиган шамол электр станциясини қуришни молиялаштириш бўйича битимлар имзолади. Шуни айтиш жоизки, жаҳон энергетика тармоғида "яшил" лойиҳаларнинг улуши ва ҳажми ортиб бораётган даврда "Masdar" каби дунёдаги етакчи компаниянинг ўзбек бозорига катта миқдорда инвестиция киритиши жуда муҳим.

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги бошқарма бошлиғи Абдуллажон Отабоевнинг фикрларига кўра, компания Ўзбекистонни стратегик бозор сифатида кўради. Уларнинг юртимизга эътибор қаратаётганининг сабаби эса мамлакатимиз 2030 йилгача 35 фоиздан ортиқ қувватларни қайта тикловчи энергия манбаларидан олиш учун аниқ стратегия мавжуд. Шу билан бирга, соҳадаги мустаҳкам ҳуқуқий база — хорижий инвесторларнинг ишончини кучайтирмоқда. Учинчи сабаб — лойиҳаларнинг халқаро молия институтлари, жумладан, Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки томонидан қўллаб-қувватланишидир. Компания ҳозирда Ўзбекистонда 5 та лойиҳани амалга оширяпти. Келажакда тендерларда фаол иштирок этиб, янада кўпроқ ҳамкорликдаги ишларни уддаламоқчи. Бундан ташқари, келгусида мавжуд 5 та лойиҳани янада кенгайтириш устида иш олиб борилмоқда.

— Бугун жаҳон "яшил" энергетика экспертлари нигоҳи Ўзбекистонга қаратилмоқда, — дейди Абдуллажон Отабоев. — Бир сўз билан айтсак, қизиқиш ҳам, ишонч ҳам жуда катта. "Masdar" компанияси Ўзбекистон учун 100 фоиз, яъни 600 млн. доллар миқдорида инвестиция киритди. Лойиҳа 25 йилга мўлжалланганлигининг аҳамияти катта. Чунки бир вақтнинг ўзида юртимизда 25 йиллик келажак учун мустаҳкам пойдевор қўйиляпти.

Гигант мажмуа ҳайбати янги Ўзбекистон истиқболи порлоқ эканини англатиб турибди. Шамол электр станциясида ҳар бирининг узунлиги 95 метрга тенг 111 дона шамол турбинаси ўрнатилиб, Қизилқум кенгликларида шамолнинг электрга айлантирилиши тараққиёт сари ташланган муҳим қадамлардан бири бўлади. Қиёслаш учун айтсак, битта шамол турбинаси 30 қаватли уй баландлиги билан тенг. Демак, маҳобат ва инновация ўзбек диёрига қут-барака олиб кирмоқда. Бу оддий нарса эмас, балки ислоҳотлар ҳаётда ўз аксини топаётганига асосдир.

*Ушбу йирик лойиҳа доирасида жами 111 та шамол турбинаси ўрнатилиши режалаштирилган ва ҳозирга қадар 4 таси тикланди. Шамол электр станциясининг илк қувватлари 2023 йил якунида ишга туширилади ва у Марказий Осиёдаги энг йирик объект бўлади. У тўлиқ ишга туширилгач йилига 1 млрд. 800 млн. кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Бунинг натижасида йилига 540 млн. кубометр табиий газ тежалишига эришилади ҳамда атмосферага 720 минг тонна зарарли газлар чиқишининг олди олинади.*

Томдидаги шамол электр станцияси "Masdar"нинг мамлакатимиздаги иккинчи лойиҳаси ҳисобланади. Дастлабки "яшил" лойиҳа — "Nur Navoiy solar" бўлиб, у 2021 йилда ишга тушган ва Ўзбекистондаги мазкур илк қуёш фотоэлектр станциясида бир кеча-кундузда 1 млн. 180 минг кВт/соат "яшил" энергия ишлаб чиқариляпти.

Энг асосийси, "Masdar" компанияси қураётган бу лойиҳалар каби Ўзбекистоннинг муқобил энергетика соҳасидаги катта потенциалини ишга солишга қаратилган саъй-ҳаракатлар давом этмоқда.

Хусусан, сўнгги 4-5 йил ичида умумий қуввати 7 047 мегаваттга тенг қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш бўйича халқаро компаниялар билан ҳамкорликда 21 битим ҳамда умумий қуввати 2030 мегаватт бўлган 5 та электр энергиясини транспортировка қилиш шартномаси имзоланди.

Айни чоғда, умумий қуввати 3977 мегаваттга тенг 19 та қуёш фотоэлектр, умумий қуввати 3 100 мегаваттга тенг бўлган 7 та шамол электр станцияси лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилмоқда. Мазкур инвестиция лойиҳалари Саудия Арабистонининг "ACWA Power", Бирлашган Араб Амирликларининг "Masdar", Франциянинг "Total Eren", "Voltalia", Хитойнинг "Gezhouba Overseas Investment Group" ҳамда Швейцариянинг "Tepelen Group AG" компаниялари томонидан уддаланади.

— Ушбу лойиҳаларнинг умумий қиймати қарийб 9 миллиард АҚШ долларидан зиёдни ташкил этиб, уларнинг барчаси хорижий компаниялар томонидан тўғридан-тўғри инвестициялар ҳисобига бажарилади, — дейди Абдуллажон Отабоев. — 2023-2024 йилларда умумий қуввати 2797 мегаватт бўлган 7 та, жумладан, Сурхондарё вилоятининг Шеробод, Жиззах вилоятининг Ғаллаорол, Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон, Навоий вилоятининг Томди, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманларида, қолаверса, Қашқадарё, Бухоро ва Наманган вилоятларида ҳам қуёш ҳамда шамол электр станциялари фойдаланишга топширилади.

Шунингдек, 2025 йилда Бухоро вилоятининг Пешку ва Ғиждувон туманларида ҳар бирининг қуввати 500 мегаваттдан бўлган 2 та ҳамда 2026 йилда Қорақалпоғистон Республикасида умумий қуввати 1600 мегаваттга тенг 4 та шамол электр станцияси ишга туширилади.

Таъкидлаш керакки, тизимли ишлар натижасида 2026 йилга бориб, Ўзбекистонда умумий қуввати 8000 мегаваттдан ортиқ бўлган қуёш ва шамол электр станциялари, 868 мегаватт қувватга эга гидроэлектр станциялари иш бошлайди. Ҳозирги вақтда Қорақалпоғистон Республикасида 200 мегаватт қувватли шамол электр станциясини қуриш бўйича тендер давом этмоқда.

Бугун юртимизда кечаётган ҳаётий янгиланишлар ҳақида гап кетганда, Ўзбекистон бир жойда депсиниб турибди, дегувчилар қаттиқ адашади. Чунки Навоий вилоятининг Томди тумани кенгликларида рўй бераётган мўъжизавий лойиҳанинг ўзи бундай фикрларга муносиб жавобдир. Зотан, янги Ўзбекистонни барпо этишдек улуғвор мақсадларимиз мамлакатимизда бугун амалга оширилаётган кенг кўламли беқиёс ўзгаришлар, ҳаётбахш ислоҳотлар тимсолида яққол намоён бўлиб турибди.

**Фахриддин БОЗОРОВ («Халқ сўзи»).**

## Изланиш

# ПОП ТУМАНИДА ТИББИЁТ ТУРИЗМИ РИВОЖЛАНАДИ

*Наманган вилоятининг Поп туманидаги Чоркесар қишлоғи нафақат сўлим табиати, балки инсон саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган доривор ўсимликларга бой замини билан ҳам довруқ қозонган.*

Яқинда "Меҳригиё" масъулияти чекланган жамияти хайрли ишга қўл уриб, гиёҳларни қадоқлаш, шоколад ишлаб чиқариш заводи ва тиббиёт туризми масканини ташкил этиш бўйича истиқболли лойиҳани амалга оширишга киришди. Бу туризм йўналишида ҳудуднинг эртанги кун истиқболини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

— Ҳозирда лойиҳа ташаббускорларига ажратилган 506 гектар майдоннинг 45 гектари ўзлаштирилиб, лаванда, мойчечак, хандон писта сингари 15 дан ортиқ турдаги доривор ўсимликлар етиштирилмоқда, — дейди Поп тумани ҳокимлиги инвестициялар, саноат ва савдо бўлими бошлиғи ўринбосари Шукрулло Маматхонов. — Айни пайтда ҳосил йиғиб олишга киришилган. Режага кўра, яқин вақт ичида шу жойнинг ўзида саралаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш йўлга қўйилади.

Бундан ташқари, ҳудудда сайёҳлик иншоотлари барпо этиш ҳам бошланди. Аввало, 40 та меҳмон уйи қурилиши ниҳоясига етказилади. Натижада ушбу мажмуада бир пайтнинг ўзида 200 дан ортиқ сайёҳларни қабул қилиш имконияти юзага келади. Умуман олганда, яқин икки йилда лойиҳа ижроси тўлиқ амалга оширилгач туманнинг сайёҳлик салоҳияти тиббиёт туризми ҳисобига сезиларли даражада ортади.

Лойиҳанинг умумий қиймати 35 миллион долларга тенг бўлиб, у тиббий сайёҳлик хизматини йўлга қўйиш, табиий шифобахш ўсимликларни парваришлаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш сингари истиқболли йўналишларни қамраб олади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ («Халқ сўзи»).**

# ТАРИХИМИЗ КЎЗГУСИ

## Музейлар халқимиз маънавиятини юксалтиришда муҳим ўрин тутади.

1 Бинобарин, заминимизнинг дунёга машҳур бой тарихи, миллий анъана ва урф-одатлари, жаҳон илму фани ривожига бешик бўлган цивилизацияси, бутун миллатнинг фахрига айланган аждодларимиз эзгу амалларини дунё кўз олдида гавдалантирадиган, қадимийлик ва замонавийлик мужассам бўлган "Янги Ўзбекистон Ренессанс музейи" барпо этилса, фикримизча, бу диёримизнинг яна бир туристик манзили бўлар эди.

Аёнки, маданият миллатнинг борлигини билдириб турса, музейлар миллий маданиятнинг ёрқин намунаси, давлат тарихининг тирик гувоҳларини сақловчи, ўрганувчи ва оммага намойиш қилувчи маскан ҳисобланади. Шундай экан, юртимизда миқёси жиҳатидан ўта улуғвор ва ҳашаматли, шарқона услуби ва тенги йўқ галереялари билан дунёни лол қолдирадиган музей барпо этишни бугунги даврнинг ўзи тақозо қилаётир.

Негаки, юртимизда 130 яқин музейлар бўлса-да, ҳамюртларимиз ва чет эллик меҳмонларга дунё фанлари ривожига улкан ҳисса қўшган олимларимиз, уларнинг тарихий асарлари, кашфиётлари, ихтироларини бир ерда жамлаган, мазкур маънавий-интеллектуал мероснинг бугунги ва келажак авлод олдидаги улкан аҳамияти ҳақида батафсил маълумот тақдим эта оладиган замонавий ҳамда яхлит масканга эҳтиёж мавжуд.

Жаҳон цивилизациясига энг буюк фан дарғаларини етказиб берган юртимизда соҳа ривожини таъминлаш учун барча имконият мавжуд. Хусусан, маданият, сайёҳлик борасида тақдим этилаётган имтиёзлар, қаратилаётган катта эътибор музейчиликни янги поғонага кўтариши, шубҳасиз.

Давлатимиз раҳбари айтганидек, музейларни замон талабларига мослаштириш, хизмат сифатини яхшилаш, амалиётга инновация ва "ноу-хау"ларни қўллаш вақти келди. Ҳозирги тезкор давр, фан-техникалар тараққий этган паллада одамлар эътиборини жалб қилиш осон эмас, албатта. Бир илм-фан фидойиси сифатида хаёлимда айланаётган музей-режасига кўра халқимиз "Янги Ўзбекистон Ренессанс музейи" маҳобати, унга ҳамоҳанг топилган меъморий ечимда акс этган экспонатлар орқали юртимизнинг тош асридан бошлаб, то бугунги кунгача бўлган тараққиёти



билан танишиш имкониятига эга бўлади. Айниқса, Уйғониш даврларини ифодаловчи алоҳида заллар — Биринчи Ренессанс алломалари зали, Иккинчи Ренессанс алломалари зали ва "Учинчи Ренессанс инсонпарварлик, илм-фан ва маърифат асосида қурилмоқда", деб номланган зал буюк тарих ва ёрқин келажак ойнаси ўлароқ, ташриф буюрувчиларга муҳим тарихий, илмий манба бўлиб хизмат қилади.

Ҳар бир залда аждодларимиз портретларига, бюстлари, илмий қўлёзмаларига кўзингиз тушади. Бир томонда археология бўйича беқиёс бойликларимиз, иккинчи тарафда ихтиролар кўргазмаси жой олади. Уларда улуғ бобокалонларимиз ихтиролари гавдаланади.

Қисқаси, янги музей илм-фан, таълим-тарбия, инсонпарварлик ойнасига, ўзбек халқининг маданияти, санъати ва маънавиятининг кўзгусига айланади. Агар мазкур ташаббус амалга ошса, Хоразмда нафақат ҳамюртларимиз, балки меҳмонлар ҳам катта ҳайрат ва ҳаяжон билан томоша қиладиган, маънавий озуқа оладиган, маданий ва эстетик завқ берадиган битмас-туганмас хазина, яна бир беқиёс маскан пайдо бўлади.

**Баҳром АБДУЛЛАЕВ,**
**Урганч давлат университети ректори, физика-математика фанлари доктори.**

# ОРОЛБЎЙИДА БАЛИҚЧИЛИК ШУҲРАТИ ҚАЙТА ТИКЛАНАДИ

*Маълумки, бир пайтлар Қорақалпоғистондаги табиий кўллар ва Орол денгизининг балиқлари нафақат мамлакатимиз, балки дунёнинг ўнлаб давлатларига экспорт қилинган. Минтақада сув танқислиги юзага келгач табиий кўлларда балиқ етиштириш имкониятлари бой берилди. Эндиликда ҳудудда балиқ етиштиришда интенсив усуллардан фойдаланиш давр талабига айланиб бормоқда.*



### Медиа-тур

Бу борадаги ислоҳотлар самарасини тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган медиа-турда Оролбўйида қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларда сув тежовчи технологияларни жорий қилишнинг аҳамияти ҳақида маълумотлар берилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Хўжайли тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида "Сув тежовчи технологияларни жорий қилиш бугунги даврнинг муҳим талаби" мавзуида уюштирилган медиа-тур иштирокчилари Хўжайли туманининг "Саманкол" ОФЙ ҳудудидаги "Сауда Орайы" МЧЖда балиқчиликни ривожлантириш лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишларни кўздан кечирди.

— Аҳолининг истеъмол учун зарур бўлган балиқ маҳсулотларига талаби ортиб бораётгани инобатга олиниб, бу тансиқ маҳсулотни кўпайтириш лойиҳаси ижросига киришганмиз, — дейди "Сауда Орайы" МЧЖ раҳбари Зарипбай Бекимбетов. — Биласиз, халқимиз азалдан балиқчилик билан шуғулланган, шу боис ҳудуддаги фойдаланилмаётган 5 гектар майдонда сунъий кўл барпо этиб, маҳаллий бозор учун маҳсулот етиштириш йўлга қўйилди. Лойиҳанинг умумий қиймати 4,4 млрд. сўмни ташкил этиб, уни ишга туширишда 3,4 млрд. сўм банк кредитидан фойдаланилди.

Айни вақтда балиқнинг "сазан", "оқ амур", "дўнгпешона" каби турлари парваришланаётир. Эътиборлиси, замонавий технологиялар билан жиҳозланган сунъий кўлда кам сув билан кўпроқ балиқ етиштиришга эришиляпти.



Медиа-тур давомида ОАВ вакиллари Хўжайли туманидаги "Midasiatex Cluster" МЧЖ пахта-тўқимачилик кластери далаларида жорий қилинган сув тежовчи технологиялар самарадорлиги билан танишди.

Кластер раҳбари Канияз Аташев тадбир иштирокчиларига сув тежовчи технологиялар ўтган йилдан жорий қилиш бошлангани, бу йил эса тежамкор технологияларнинг яна бир неча усуллари тажрибадан ўтказилаётгани ҳақида маълумот берди.

— Пахта етиштиришда яна бир тажриба — пахта даласига майдаланган ўсимлик қолдиқларини биогумус билан аралаштирилган ҳолатда ғўза қатор ораларига тўшаш намликни узоқ вақт сақлаш, сувга бўлган талабни камайтириш имконини бермоқда, — дейди у. — Бу технология орқали анъанавий усулга нисбатан сезиларли даражада кам сув сарфланиши аниқланди.

Тадбирда Сув хўжалиги вазирлиги томонидан сув тежовчи технологияларни жорий қилишга қаратилган тавсиялар бўйича маълумотлар берилди. Шунингдек, ёмғирлатиб суғориш, экин майдонларини лазерли ускуналар ёрдамида текислаб сув тежовчи технологиялардан самарали фойдаланаётган бир гуруҳ фермерлар ўз тажрибалари ҳамда эришилган натижалар ҳақида журналистларга батафсил сўзлаб берди.

**Ғайрат ОТАЖОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЯНГИ ЎҚУВ БИНОСИ ВА ЁТОҚХОНА ҚУРИЛМОҚДА

*Каттақўрғон шаҳрида сўнгги икки йилда таълим соҳасида жадал қурилиш-бунёдкорлик ишлари олиб борилаётир. Умумтаълим мактаблари ва олий ўқув юртлари учун янги бинолар қурилиши бунга мисол бўла олади.*

### Қулайлик

— Филиалимизда 14 та таълим йўналиши бўйича 1300 нафардан зиёд талабалар таҳсил олмоқда, — дейди Самарқанд давлат университети Каттақўрғон филиали директори Шерзод Ўроқов. — Муассасамиз фаолиятини кенгайтириш мақсадида 1000 ўринли янги ўқув ҳамда 500 ўринли ётоқхона бинолари қурилиши ўтган йили бошланиб, шу кунларда якунига етказилмоқда.

Бу биноларнинг янги ўқув йили арафасида фойдаланишга топширилиши келгусида филиалда таълим сифатини ошириш ҳамда Самарқанд вилояти, шунингдек, Каттақўрғон шаҳрига ёндош бўлган туманларда кадрлар тайёрлаш инфратузилмасини ривожлантиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Шаҳардаги 12 ва 20-умумтаълим мактабларида ҳам қурилиш-таъмирлаш ишлари якунига етказиляпти. Ингичка массивидаги 12-мактаб реконструкция қилиниб, 140 ўринли қўшимча бино қурилаётир. Бунинг учун 2 млрд. 842 млн. сўм маблағ ажратилган. Бундай ишлар Чинобод маҳалласида ҳам изчил давом эттирилмоқда. Ҳудуддаги 20-мактабнинг 360 ўринли ўқув биносининг қурилиш лойиҳа қиймати 3 млрд. 900 млн. сўм бўлиб, таълим муассасасини жорий йилнинг октябрь ойида фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

**«Халқ сўзи».**

### Иқтидор

# ЎЗБЕКИСТОНЛИК ФУТБОЛЧИ ФРАНЦИЯ ЧЕМПИОНАТИДА ТЎП СУРАДИ

*Ўзбекистонлик Абдуқодир Ҳусанов "Ланс" жамоаси футболчисига айланди. Шу вақтга қадар Беларуснинг "Энергетик-БГУ" жамоасида ўйнаб келаётган 19 ёшли марказий ҳимоячи Франция вице-чемпиони билан тўрт йиллик шартнома имзолади.*

Эътиборлиси, Абдуқодир Ҳусанов — Франция чемпионатига йўл олган биринчи ўзбек футболчиси. Бундан ташқари, у Беларусь чемпионатидан Европанинг кучли бешлик чемпионатлари совриндори бўлган клубга тўғридан-тўғри кўчиб ўтган ягона футболчига айланди.

Футболчи 2022 йили ўзининг дебют мавсумида "Энергетик-БГУ" таркибида 29 та ўйинда учта гол ва тўртта ассист қайд этди. Ўша пайтдан ўзбек ҳимоячисига хориж клублари эътибор қарата бошлади.

Ёш иқтидор эгасининг шу йил март ойида ўтказилган 20 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси сафида ғолиб бўлиши, шунингдек, май ойида Аргентинада ташкил этилган 20 ёшгача футболчилар ўртасидаги жаҳон чемпионатида терма жамоамиз таркибида муваффақиятли иштироки унга Европа етакчи жамоаларининг қизиқишини янада кучайтирди.

Абдуқодир Ҳусановнинг янги жамоаси — "Ланс" келгуси мавсумдан Европа чемпионлар лигасида иштирок этади.

**Гулираъно ЮНУСОВА.**

# АДОЛАТЛИ СОЛИҚЛАР — ФАРОВОНЛИГИМИЗ КАФОЛАТИ

*Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим масалаларидан бири, бу — кичик ва хусусий бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш ва бу орқали соҳанинг ижтимоий-иқтисодий афзаллигини янада ошириш. Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш ва бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришда ушбу соҳага янада устуворлик берилиши кичик бизнес субъектларини солиқ механизми орқали қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш масаласини долзарб вазифа сифатида белгилаб берди. Тадбиркорликни ривожлантириш учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида республикамизда бу субъектларга махсус солиқ режими жорий этилган бўлиб, унга кўра соддалаштирилган солиққа тортиш тартиби ўрнатилган.*

### Мушоҳада

Сўнгги олти йилда бу соҳа равнақига қаратилган кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар имзоланди. Уларга асосан 114 та лицензия ва рухсатнома бекор қилинди, 33 та фаолият тури хабардор этиш тартибига ўтказилди. Рухсатномаларни расмийлаштириш мезони соддалаштирилиб, муддатлари ўртача 2 баробарга қисқартирилди. Ортиқча текширишлар ва хомашё бўйича кўплаб чекловларга барҳам берилди. Тадбиркорлик субъектларига нисбатан янги турдаги жавобгарлик ва жазо чораларини жорий этишга уч йиллик мораторий ўрнатилди.

Сўнгги олти йилда иш ҳақига солиқ юки 2 баробар камайтирилди, қўшилган қиймат солиғи 20 фоиздан 12 фоизга туширилди. Солиқларнинг умумий сони 13 тадан 9 тага қисқарди, айрим солиқ ставкалари 2 баробар пасайтирилди. Энг муҳим иқтисодий ислоҳотлардан бири, бу — миллий валюта алмашув курсининг бозор механизмлари асосида шаклланиш тамойилларини жорий этиш орқали ички валюта бозорининг босқичма-босқич либераллаштирилиши билан боғлиқ амалий қадамлар бўлди.

Шу билан бирга, пул-кредит сиёсати соҳасида кўламли ислоҳотлар амалга оширилди, жумладан, тўлов тизимлари ривожлантирилди, чет эл валютасини сотиб олиш имкони яратилди, нақд пул муаммоси ҳал этилди, узлуксиз ишловчи автоматлаштирилган банкоматлар фаолияти йўлга қўйилди.

Биргина "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида ўз бизнесини бошлаётган оилаларга 5,9 триллион



сўм кредит ажратилди. Янги солиқ сиёсати доирасида иш ҳақига солиқ юки 1,5 баробар пасайтирилди. Ишсизлик камайди. Натижада тадбиркорлар сони 2 баробар ошди.

Янги Ўзбекистондаги солиқ сиёсати ставкаларни босқичма-босқич тушириш, аммо солиқ базасини ҳеч кимга оғирлик солмаган ҳолда кенгайтириш орқали умумий тушум миқдорини сезиларли равишда кўпайтиришдан иборат. Чунки ўз олдига улуғвор мақсадларни қўйган давлатнинг харажатлари шунга яраша бўлиши табиий. Ғазна эса, биринчи навбатда, солиғу йиғимлар орқали мустаҳкамланади.

Янги Конституциянинг 63-моддасида фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлаши шартлиги, солиқ ва йиғимлар адолатли бўлиши ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишига тўсқинлик қилмаслиги кераклиги белгилаб қўйилган.

Кўпчилик яхши билади, ҳар қандай давлатнинг иқтисодий қудрати унинг бюджети ҳисобланади. Бюджетнинг асосий қисмини эса солиқлар ташкил этади. Солиқлардан тушган пуллар мамлакатни ҳар томонлама ривожлантиришга сарфланади. Шу боис ҳар бир фуқаро солиқларни тўлаши шарт. Ўз навбатида, давлат ҳам фуқаролар учун ортиқча ва оғир бўлган солиқлар ёки бошқа йиғимларни жорий этмаслик бўйича кафолат бериши, бу кафолат эса қонун билан мустаҳкамланиши зарур. Конституцияга "солиқ ва йиғимлар адолатли бўлиши шарт" дея киритилгани аҳоли ёки тадбиркор уни тўлай олишига қурби етиши, албатта, инобатга олинишини англатади. Бу нормада ортиқча ва мантиқсиз солиқлардан, турли йиғимлардан воз кечилиши тушунилади. Шу тариқа солиқ сиёсати тобора соддалаштирилиб, одамлар учун манфаатли бўлиши таъминланди.

Охирги йилларда тадбиркорлар тўлайдиган солиқ турлари сони қисқартирилиб, аҳоли ва бизнес тузилмаларига солиқ имтиёзлари кенг қўлланила бошланди. Айрим йиғимлар 5 бараваргача камайтирилди. "Яшил" энергетикадан фойдаланаётган солиқ тўловчиларга 10 йилга қадар имтиёзлар берилди.

Яна бир янгилик, 2023 йилдан бошлаб туман ва шаҳарлар мавжуд шароити, салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиб, 5 та тоифага ажратиладиган бўлди. Энди тоифага қараб, туманларнинг иқтисодий ривожланиши белгиланмоқда. Тадбиркорлар учун субсидия, кредитлар ва компенсациялар тоифалардан келиб чиқиб ажратилади. Улар учун солиқ ставкалари ҳар хил бўлади.

Мисол учун, бешинчи тоифага кирувчи, шароити энг оғир бўлган 20 та туман учун айланмадан олинадиган солиқ, фойда солиғи, ижтимоий солиқ ставкалари 1 фоиз миқдорида белгиланди. Мазкур туманлардаги тадбиркорлар ер ва мол-мулк солиқлари бўйича ҳисобланган сумманинг атиги 1 фоизини тўлайди. Якка тадбиркорлар қатъий ставкадаги солиқларни тўлашдан озод этилади. Худди шундай, бошқа тоифадаги туманларда кредитларга пасайтирилган фоиз ставкаларини қўллаш, инфратузилма харажатларини давлат томонидан қоплаб бериш каби бир қатор енгилликлар берилади.

Бюджет харажатлари, аҳоли ва тадбиркорлар олдидаги давлат мажбуриятларини қисқартирмаган ҳолда, бизнесга солиқ юкини камайтириш бўйича ишлар давом эттириляпти. Жумладан, 1 январдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ставкасини 15 фоиздан 12 фоизга пасайтириш ҳисобидан тадбиркорлар ихтиёрида йилига камида 14 триллион сўм маблағ қолади. Таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда тадбиркорлик соҳасида жавобгарликни енгиллаштириш бўйича бошланган ислоҳотлар жадал давом эттирилмоқда.

Президентимизнинг "Фаол ишбилармонлик муҳитини шакллантиришни янада рағбатлантириш, солиқ мажбуриятини бажаришда аҳоли томонидан ортиқча харажатларга йўл қўймаслик ҳамда қўшимча иш ўринларини яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига кўра, 2023 йил 1 июнь ҳолатига жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи (нотурар кўчмас мулк объектлари бундан мустасно) бўйича муддатида тўланмаган қарзига ҳисобланган пеня суммалари; охирги 6 ой мобайнида молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ЯТТларнинг қатъий белгиланган миқдорлардаги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқдан вужудга келган қарзи ҳамда уларга ҳисобланган пеня ва жарималар суммаси; хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлиги учун қўлланилган жарималар суммаси ҳисобдан чиқарилади.

Шунингдек, 2024 йил 1 июнга қадар ер участкаларидан ҳужжатларсиз фойдаланаётган жисмоний шахсларга ер солиғининг уч карра оширилган ставкасида солиқ ҳисоблаш тартиби тўхтатиб турилади. Фермер хўжаликларига 2023 йил 1 июнь ҳолатига шаклланган сув солиғидан қарзини ўн икки ой мобайнида тенг улушларда фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат этилади.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Президентимизнинг тегишли қарорига кўра, назорат қилувчи органлар тадбиркорлик субъектининг илгари текширилган фаолият давридаги предмети ва объекти бўйича қайта текширув ўтказишга ва тадбиркорлик субъекти томонидан аввал тақдим этилган ҳужжатларни талаб қилишга ҳақли эмас.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишнинг ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилишнинг белгиланган тартибини бузиш, худди шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қонунга хилоф равишда текшириш ташаббуси билан чиқиш ва (ёки) ўтказиш мансабдор шахсларга нисбатан тегишли маъмурий жавобгарлик чораларини қўллашга сабаб бўлади.

Жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнлар ва Ўзбекистоннинг айни пайтдаги ривожланиш йўлини атрофлича таҳлил қилган киши конституциявий ислоҳотларнинг ўзаги сифатида белгиланган "Инсон қадри учун" тамойили аслида нимани англатишини илғаши мушкул эмас. Сиртдан иқтисодиёт тармоқларини трансформациялаш, тадбиркорлик равнақига эришиш бош муддао бўлиб кўринган янги ислоҳотлар, пировардида халққа фаровон турмуш шароитини яратишга қаратилган.

Умуман олганда, янги Ўзбекистонда олиб борилаётган солиқ сиёсати ҳам аҳолининг оғирини енгил қилиш, тадбиркорларга имтиёзлар бериш орқали янги иш ўринлари яратиш ва пировардида халқимизнинг фаровонлигига эришишга қаратилгани билан эътиборга моликдир.

**Наргиза ҚЎЗИЕВА,**
**Тошкент молия институтининг Солиқлар ва солиққа тортиш кафедраси мудири, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати сенатор Сирожиддин Саидовга волидаи муҳтарамаси
**ХОЛБИБИ аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 741. 13 499 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 90-371-64-04;
Эълонлар 90-999-77-65.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.50 Топширилди — 23.25 1 2 3 4 5 6